

Пудрат шартномаси .

2022 й. «28» 6

2022-377-11-168-МТ-

сон

Марғилон шаҳар.

Марғилон шаҳар Мактабгача таълими бўлими кейинги ўринларда « Буюртмачи » деб юритилувчи номидан раҳбари Х.Қ.Қурбанова бир томондан ва "Orient Lider Story" МЧЖ кейинги ўринларда « Пудратчи » деб юритилувчи номидан раҳбари А.Нурматов иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига асосан Марғилон шаҳар Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 10-сонли мактабгача таълим ташкилоти биносини лойиха, смета ҳужжатларига асосан жорий таъмирлаш ишларини бажаришни ўз зиммасига олади ҳамда амалдаги қурилиш меъёр ва қоидалари бўйича сифатли иш бажаради.

2. Шартнома баҳоси

2.1. Шартнома баҳоси 189 000 000 (Бир юз саксон тўққиз миллион) сўмни ташкил қилади.

3. Тўлов шартлари

3.1. Бажариладиган ишлар қийматини 30 % миқдорида Буюртмачи томонидан олдиндан Пудратчи ҳисоб рақамига ҳақ ўтказиб берилади.

3.2. Бажарилган таъмирлаш ишлари Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда тегишли қурилиш меъёрларига риоя қилган ҳолда Ф-2 далолатномаси асосида қабул қилиб олинади.

3.3. Шартнома бўйича бажарилган иш учун ҳисоб-китоб ҳар ойнинг якунида амалга оширилади ва якуний ҳисоб китоб иши тулик тамомлангандан кейин, (бунга ишни қабул қилиб олиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф қилишни ҳам қўшиб) Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

3.4. Бажарилган ишни махсус комиссия томонидан қабул қилиб олинмаса, бажарилган ишга ҳақ тўланмайди.

4. Мажбуриятларни бажариш муддатлари

4.1. Пудратчи ушбу шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларни белгиланган календар иш режасида назарда тутилган муддатларда бажаради.

4.2. Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишга белгиланган муддатда ҳақ тўлаши маҳаллий бюджетдан мунтазам равишда маблағ ажратиб беришга боғлиқ эканлигини, шу сабабдан бажарилган ишлар ҳақини тўлаб бериш муддати 6 ойгача чўзилиши мумкин. Бу муддат бажарилган пудрат иши якунини махсус комиссия томонидан қабул қилиб олинган санадан ҳисобга олинади.

5. Тарафларнинг мажбуриятлари

5.1. Пудратчи:

5.1.1. Ўз ишчи кучи ва техника воситалари билан календар иш режасида назарда тутилган барча ишларни тўла ҳажмда ва муддатида бажарилиши ва тегишли лойиха ҳужжатларидаги ҳолатида ишларни Буюртмачига 30 июль кунига топширилиши.

5.1.2. Объектга лойихага биноан зарур бўлган материалларни конструкцияларни бутловчи ашёлар етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириш.

5.1.3. Техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва объектни қўриқлаш бўйича зарурий чора тadbирларни бажарилишини таъминлаши керак.

5.2. Буюртмачи:

5.2.1. Календар иш режасида белгиланган ҳажмда ва муддатда объектни Пудратчига топшириши.

5.2.2. Пудратчидан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб 2 hafta ичида объектни қабул қилиши шарт.

6. Тарафларнинг жавобгарлиги

6.1. Буюртмачи бажарилган пудрат ишлари махсус комиссия томонидан қабул қилингандан бошлаб 6 ойгача ҳақни тўлаб бермаса кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,4% пеня тўлайди.

6.2. Пудратчи шартнома шартларини бузса белгиланган муддатда пудрат ишларини тугатмаса кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,5% пеня тўлайди.

6.3. Жами томонлардан ундирилган пеня суммаси низоли сумманинг 50% ошмаслиги лозим.

7. Форс-мажор ҳолатлари

Тарафларнинг бирортаси ҳам бошқа тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олинган мажбуриятларни тарафларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдида қўра билиши ёки бартараф этиши мумкин бўлмаган ва хатолар унга қўшиб уриш эълон қилиниши ёки амалда бошланганлиги фуқаролик тартибсизлиги, вабо тарқалиши, блокада, эмбарго, ер кемирилиши,

сув босиши, ёнги ва бошқа табиий офатлар билан боғлиқ холда бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайди.

7.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларни мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлиги Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг шунга оид қарорлари ёки ва бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

7.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга уни таъсир кўрсатиши ёки монейлик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

7.4. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган кучлар 3 ой давомида мунтазам таъсир этаётган бўлса ва тугаш белгилари аниқланмаса, ижарага берувчи ва ижарага олувчилар бошқа тарафга хабар юбориш йўли билан ушбу шартнома бекор қилиниши мумкин.

8. Низоларни ҳал қилиш тартиби

8.1. Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ пайдо бўладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади.

8.2. Агар келишмовчиликларни музокара йўли билан ҳал қилиб бўлмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий судида кўрилишига тегишли бўлади.

9. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тартиби

9.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб ҳар иккала тараф имзолаган ҳолларда ҳақиқий кучга эга бўлади.

9.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича етказилган зарарларни қоплаш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

9.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

Пудратчининг айби билан ишларни боришини суеткашлик билан тўхтатиб турилиши яъни ушбу шартномадаги ишларни тамом бўлиш муддати 1 ойдан кўпга ошиб кетганда; Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойихада кўрсатилган ишларни сифати пасайганда;

9.4. Пудратчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

Буюртмачи томонидан Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш монтаж ишларини боришини 1 ойдан ошадиган муддатда тўхтатиб турганда; Буюртмачи томонидан кейинчалик қуришни молиялаш имконияти йўқолганда.

9.5. Буюртмачи ва Пудратчининг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинганда Буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади. Буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми қийматини тўлайди.

9.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

10. Томонларнинг коррупцияга қарши қўшимча шартлари.

10.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди, яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёхуд номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинишини кафолатлайди.

10.2. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ва (ёки) асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон тизим орқали) ёки ишонч телефонлари орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда, томонлар юзага келган ҳолатга оидлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, мурожаатни олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушунтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

10.3. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатларда хавф-хатар бартараф этилмай, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

11. Бошқа шартлар

11.1. Объектлар ва унга кирувчи инженерлик тизимлари жихозлар материаллар ҳамда ишларнинг меъёрида ишлашига кафолатланган муддати унинг учинчи шахслар тарафидан кузланган ниятда шикас етказган ҳоллари бундан истисно қилинади. Объектни қабул қилиш тўғрисидаги далолатномани тарафлар имзолаган вақтдан бошлаб 2 ой давомида белгиланади.

11.2. Пудратчи томонидан бажарилган ишларга 3 йил кафолат муддати белгиланган.

11.3. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларнинг бартараф қилиш муддатлари пудратчи ва буюртмачининг икки томонлама далолатномасида акс эттирилади.

11.4. Агар пудратчи аниқланган камчиликлар далолатномаси кўрсатилган муддат ичида бажарилган ишларнинг бунга жихозларни ҳам қушиб камчиликларни бартараф қилмаса уларни буюртмачи бошқа бажарувчининг кучи билан харажатларни пудратчи тўлаши орқали бартараф қилишига ҳақли.

11.5. Пудратчи аниқланган камчиликлар тасдиқлаш иш далолатномасини тузиш ёки имзолашдан бош тортганда буюртмачи малака экспертизасини тайинлайди. Экспертиза камчиликлар ва уларнинг тусларини акс эттириш бўйича тегишли далолатнома тузади ҳамда тарафнинг мазкур масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқини истисно қилмайди.

- 11.6. Пудратчи қурилиш объектини лойиха хужжатларини ёки унинг айрим қисмларини буюртмачининг ёзма рухсатисиз бирорта учунчи шахсларга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга эмас.
- 11.7. Пудратчининг айби билан объектни қуриш натижасида учунчи шахсларга етказилган зарар Пудратчи томонидан буюртмачининг айби билан бўлса буюртмачи томонидан товон тўланади. Пудратчи барча ҳолларда ҳатто тегишли харажатларни буюртмачи қоплаган тақдирда ҳам етказилган зарарни тугатиш учун тезкор чораларни кўради.
- 11.8. Ҳуқуқни химоя қилувчи органлар томонидан нархларда ёки бажарилган иш ҳажмида камомад аниқланган тақдирда ушбу камомад пудратчи ташкилот томонидан тўланади.
- 11.9. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди ва ҳар бир томонда бир нусхадан сакланади.
- 11.10. Ушбу шартнома бюджет ташкилотлари учун ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг юридик кучга киради ва “31” Декабрь 2022 йилгача амалда бўлади

12. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари:

« Пудратчи »

« Буюртмачи »

”Orient Lider Story” МЧЖ

Марғилон шаҳар Мактабгача таълим бўлими

(иш бажарувчининг номи)

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Фарғона шаҳар Фаробий кўча 9/1 а уй

Манзил: Марғилон шаҳар

Тел./факс: 94 130 00 50

Мустақиллик кўчаси 673-уй

х/в: 20208000204579305001

Тел./факс: + 99890 231 66 00

Банк номи: Унверсал банк Фарғона _____

ш/х*: 401722860304127091100251009

МФО: 01131

СТИР: 305 152 353 ОКОНХ: _____

СТИР: 300210387

Молия Вазирлиги Ғазначилиги

ОКОНХ: 41202 _____

Ғазна х/в: 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банк ХККМ Тошкент


МФО: 00 014 СТИР: 201 122 919

Раҳбар: А.Нурматов

Раҳбар: Х.Қ.Қурбанова

(имзо)

М.Ў.



(имзо)

М.У.



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN NORMALARIGA
MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA

2022-yil 27-iyun

Marg'ilon shahri

1. Loyihaning raqami: UF02716778

2. Loyihaning turi: Shartnoma

3. Loyihaning nomi: "ORIENT LIDER STROY" MCHJ bilan 189.000.000.00 so'mlik pudrat shartnomasi

4. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot:

Marg'ilon shahar maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan ishlab chiqilib, 2022-yil 23-iyun kuni dasturga kiritilgan.

5. Loyiha yuzasidan huquqiy xulosa:

Loyiha qonunchilikka muvofiq, Fuqarolik kodeksi hamda "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunga va boshqa qonunchilik hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan, loyihadan foydalanish mumkin.

Marg'ilon shahar yuridik xizmat
ko'rsatish markazi
bosh yuriskonsulti



I.A.Abduraimxojiyev